

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ НАВОИЙ БЎЛИМИ**

**ХУРРАМОВ НАВРУЗБЕК ИБРАИМОВИЧ**

**КУЙДИРИЛМАГАН МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИДАН  
ЭКСТРАКЦИОН ФОСФОР КИСЛОТАСИ ОЛИШНИНГ ИНТЕНСИВ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)**

**Хуррамов Наврузбек Ибраимович**

Куйдирилмаган Марказий Қизилкум фосфоритларидан экстракцион  
фосфор кислотаси олишнинг интенсив технологиясини ишлаб  
чиқиш..... 3

**Хуррамов Наврузбек Ибраимович**

Разработка интенсивной технологии получения экстракционной  
фосфорной кислоты из необожженных фосфоритов Центральных  
Кызылкумов..... 21

**Khurramov Navruzbek Ibraimovich**

Development of an intensive technology for obtaining extraction phosphoric  
acid from unfired phosphorites of Central Kyzylkum..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 42

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ НАВОИЙ БЎЛИМИ**

**ХУРРАМОВ НАВРУЗБЕК ИБРАИМОВИЧ**

**КУЙДИРИЛМАГАН МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИДАН  
ЭКСТРАКЦИОН ФОСФОР КИСЛОТАСИ ОЛИШНИНГ ИНТЕНСИВ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/T1920 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Навоий бўлимида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Нурмуродов Тўлқин Исамуродович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Усанбаев Нажимуддин Халмурзаевич,**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Маденов Бердимурат Даулетмуратович,**  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган муҳандислик технология институти**

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.20.03 рақамли илмий кенгашнинг « 02 » феврал 2022 йил соат 15<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1. Тел: (99861) 223-60-47; факс: (99861) 223-60-78; e-mail: [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz)).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (63-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1. Тел: (99861) 223-60-47; факс: (99861) 223-60-78

Диссертация автореферати 2022 йил « 15 » январ куни тарқатилди.  
(2022 йил « 15 » январ 1- рақамли реестр баённомаси)



**Реймов А.М.**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раиси, т.ф.д., профессор

**Курбаниязов Р.К.**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.н., доцент

**Туремуратов Ш.Н.**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ҳозирги вақтда аҳоли ўсишининг юқори суръатлари, экин майдонлари ва чучук сув захиралари каби табиий ресурсларнинг камайиши туфайли аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммоси кескинлашди. Шу боис, озиқ-овқат дастурини ҳал этишда фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш катта рол ўйнайди. Бунинг учун яқин-яқингача Қозоғистоннинг Қоратау фосфоритлари Ўзбекистон томонидан валюта эвазига сотиб олинаётган эди. Бу эса ўз ўрнида фосфорли ўғитлар нархи ошишига ҳамда жаҳон бозорида рақобатбардош бўлмаслигига олиб келиши алоҳида аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида минерал фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришда паст навли фосфоритларни кимёвий усуллар билан қайта ишлашнинг комплекс технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, турли бойитиш усулларини қўллашда  $P_2O_5$  нинг балансдан ташқари рудалар ва лой чиқиндиларидан фосфат концентрациясига ўтишини ошириш жараёнини ўрганишга, минерал кислоталар ёрдамида парчалаб NPK ўғитлари ва тоза фосфор туган тузлар олиш, шунингдек, куйдирилмай ювиб қуритилган фосфоконцентратдан (КЮҚК) экстракция фосфор кислотасини (ЭФК) олиш ва улар асосида моно- ва диаммоний фосфатлар олиш жараёнининг оптимал шароитларини ишлаб чиқишни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда бугунги кунга қадар Марказий Қизилқум (МК) фосфоритларига кислотали ва термик ишлов бериш йўли билан фосфорли ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш...»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда тупроқ унумдорлигини ва ўсимликлар, жумладан, хомашё унумдорлигини оширадиган азот-фосфорли минерал ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ва 2019 йил 17 январдаги ПФ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПФ-3983-сон «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

фаолиятга тегишли меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон амалиётида ЭФК олиш асосларини ишлаб чиқишда олимлардан Копилев Б.А., Борисов И.М., Хлебодарова Э.В., Классен П.В., Шуб Б.И. Туманов Д.Н., Фенг Й., Фенг Ж., Лиух., Ванг Й., Лу Т., Нассар М., Намазов Ш.С., Эркаев А.У., Султонов Б.Э., Мирзакулов Х.Ч., Ушарова Л.Б, Шуб Б.И., Динкина А.В., Джураев Ф.Х., Қиличов О.К., Шаймардонов Ш.С., Эгамбердиев А.К., Нурмуродов Т.И. ва бошқалар қатга ҳисса қўшдилар.

Ўзбекистон халқ хўжалиги тармоқларининг кальций нитрат, кальций ва аммоний фосфатларнинг ноорганик тузларига бўлган талаби юқори бўлиб, ушбу маҳсулотларни чет эл валютасига олиб кириш орқали қондирилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, тўлиқ бойитилмаган Қизилқум фосфоритлари асосида мақбул техник-иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлган экстракцион фосфор кислотасини олишнинг юқори самарали ва интенсив технологиясининг илмий асосларини яратиш, паст навли юқори карбонатли донадор фосфоритларни, хусусан, Марказий Қизилқум фосфоритларини қайта ишлаш соҳасида ишлар ғоят долзарб вазифа ва илмий тадқиқотнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Навоий бўлими илмий-тадқиқот режасининг № ФЗ-202001051 – «Бойитилмаган Марказий Қизилқум фосфоритларидан экстракцион фосфор кислотаси олиш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Марказий Қизилқумнинг паст навли ва куйдирилмаган фосфоритларидан концентранган фосфор кислотаси олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сульфат ва фосфор кислотаси аралашмаси билан КЮҚҚни декарбонизация жараёнини тадқиқ қилиш;

декарбонизацияланган МК КЮҚҚ асосида ЭФК олиш жараёнининг оптимал технологик параметрларини аниқлаш;

фосфогипснинг гранулометрик ва минералогик таркибини ЭФК олиш жараёнининг технологик параметрларига таъсирини тадқиқ қилиш;

экстракцион фосфор кислотаси олишнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш;

паст навли фосфоритларни нитрат кислотали экстрактивнинг босқичма-босқич аммонизациясини  $P_2O_5$ , нодир ер, ишқорий ва ишқорий-эр металлларни жараённинг маҳсулот ва оралиқ маҳсулотлари ўртасида тақсимланишига таъсирини ўрганиш;

дикальций фосфатдан тозаланган фосфор кислотаси олиш жараёнини тадқиқ қилиш;

ЭФК КЮҚК ва ТФК ДКФдан буғлатилган фосфор кислотаси олиш жараёнини тадқиқ қилиш;

дикальций фосфат ва концентранган фосфор кислоталарини олиш жараёнида ҳосил бўладиган эритмалар ва бўтаналарни реологик хоссаларини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида паст навли ва куйдирилмаган МК фосфоритлари, минерал кислоталар олинган.

**Тадқиқот предметини** фосфорит рудаларини ҳар томонлама, сифат ва миқдорий таҳлил қилиш ҳамда куйдирилмаган ва паст навли МК фосфоритларидан буғлатилган фосфор кислоталарини олиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда ИҚ спектроскопия, термогравиметрия, рентгенография, электрон микроскопия ва бошқа мураккаб физик-кимёвий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқот илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк маротаба МК КЮҚК дан ЭФК олиш имконияти исботланди ва жараённинг техно-аналитик параметрларига экстракцияни технологик параметрларининг таъсири боғлиқлиги аниқланган;

нитрат кислотали парчалош йўли билан МК паст навли фосфоритларидан тоза фосфор кислотасини ҳамда босқичли аммиаклаш орқали дикальций фосфатни олишнинг ва уларни сульфат кислотали парчалошдан сўнг олинган тоза фосфор кислоталарини экстракциялашнинг илмий асослари яратилган;

дикальций фосфатни сульфат, айланма ТФК ва бўтана ёрдамида парчалош йўли билан тоза фосфор кислотаси олиш жараёни ўрганилган;

КЮҚК ва ДКФдан  $P_2O_5$  концентрацияси 45 ва 72% бўлган буғлатилган фосфор кислоталарини олиш жараёнининг илмий маълумотлари асосида паст концентрацияли фосфор кислоталарни концентрациялаш жараёнининг назарий асослари аниқланган.

**Тадқиқот амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ЭФК олиш учун фосфорли материаллар хомашёларини кенгайтириш ва олинган маҳсулотлар тан-нархини пасайтириш имконини берадиган, КЮҚКни сульфат кислотали парчалош йўли билан ЭФК олишнинг самадор технологияси ишлаб чиқилган;

қаттиқ ва суюқ NP ва NCa ўғитлари ҳамда дикальций фосфатдан таркибида  $P_2O_5$  72% бўлган концентранган тоза фосфор кислотаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш имкониятини берувчи Марказий Қизилқумнинг паст навли фосфоритларини комплекс қайта ишлашнинг чиқиндисиз технологияси ишлаб чиқилган.

МҚнинг куйдирилмаган фосфоритлари асосида ЭФК олиш жараёнининг оптимал технологик параметрлари очиб берилган.

**Тадқиқот натижасининг ишончлилиги.** Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил (рентгенологик, дифференциал термик, микроскопик, изотермик) натижалари лаборатория тажрибалари ва тажриба-синовлари билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли хил фосфоритларни кислотали парчалаш механизмини ва фосфор кислоталарини буғлатиш жараёнининг физик-кимёвий параметрларини яратиш учун назарий асос бўладиган концентранган тоза фосфор кислоталарини олишнинг КЮҚК ва паст навли МҚ фосфоритларни кислотали парчаланишини кимёвий, физик-кимёвий ва технологик тадқиқотларни ўтказиш билан асосланади.

Натижаларнинг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган технологияни амалиётга жорий этиш озуқа фосфатлари ва бошқа тоза фосфат тузларни ишлаб чиқариш учун мос келадиган, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган концентранган фосфор кислоталарни ишлаб чиқариш имконини беради, бу эса фосфор сақловчи материаллар билан ўғит ишлаб чиқарадиган корхоналарни кенгайтиш учун хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Куйдирилмаган МҚ фосфоритларидан экстракцион фосфор кислотаси олишнинг интенсив технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

озуқа преципитати олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтирога патент олинган. (IAP 06592, 2021 й.). Натижада, МҚнинг паст навли фосфоритларидан тоза дикальцийий фосфат олиш имконини берган;

куйдирилмаган МҚ фосфоритларидан ЭФК олиш технологияси «Elektrokimyozavod» ҚК АЖда амалиётга жорий қилинган («Elektrokimyozavod» ҚК АЖнинг 2021 йил 16 ноябрдаги 217-сон маълумотномаси). Натижада, халқ хўжалиги учун муҳим бўлган бирикмалар таркибини кенгайтириш ва шу орқали минерал ўғитлар ишлаб чиқариш учун асосий хомашёлардан бирини олиш имконини берган;

паст навли МҚ фосфоритларидан тоза дикальцийий фосфат олиш технологияси «Elektrokimyozavod» ҚК АЖда амалиётга жорий қилинган («Elektrokimyozavod» ҚК АЖнинг 2021 йил 16 ноябрдаги 217-сон маълумотномаси). Натижада, ўғитлик хусусиятига эга N-12,15 %; P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>—15,1 % ва СаО-25,5 % таркибли кальций ва аммоний фосфатлар ҳамда кальций модули 0,82 га тенг бўлган фторисизланган дикальцийий фосфат олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижасининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та Ўзбекистон



Республикаси ихтиро учун патенти, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республика фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги баён қилинган ва натижаларнинг амалиётга жорий этилиши берилган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши буйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Экстракцион фосфат кислота ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида турли хил фосфат хомашёсидан фосфат кислотасини олиш, сульфат кислота ёрдамида фосфат рудаларини парчалаш механизми, ЭФК олиш жараёнини интенсивлаш келтирилган.

Адабиётлар маълумотларини умумлаштириш, куйдирилмаган МҚ фосфоритларидан ЭФК олиш таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш диссертация ишининг мақсадини шакллантиришга имкон беради.

Ушбу масалаларни ўрганиш назарий ва амалий жиҳатдан катта қизиқиш уйғотади, бу бизга компонентларнинг реакцияланиш механизмларини тушуниш, куйдирилмаган МҚ фосфоритларидан ЭФК олишнинг оптимал технологик параметрларини аниқлаш имконини беради.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объектларини тавсифи ва тажрибаларни бажариш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектларининг таркиб ва хоссалари, экспериментларни олиб бориш усуллари, шунингдек, кимёвий таҳлилларнинг методикалари келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот қисми. Марказий Қизилқумнинг паст навли фосфоритларидан  $P_2O_5$  экстракциялаш жараёнини ўрганиш**» деб номланган учинчи бобида паст навли ва куйдирилмаган МҚ фосфоритларидан ЭФК олиш жараёни натижалари келтирилган.

Дастлаб лаборатория тадқиқотларини олиб бориш учун МҚ нинг фосфоритлари: биринчи қатлам рудаси ва термик бойитишда ювиш босқичида чиқадиган кек фосфоритларидан танлаб олинди.

Тажриба ишларини олиб бориш учун 96%ли сульфат кислота ва 15%ли айланма ЭФК ишлатилди. Кекдан фосфор кислота экстракцияси 80 °С ҳароратда амалга оширилди. Фосфорит намуналари айланма ЭФК

эритмасига солиниб, сўнгра кимёвий реакцияларда баён қилинган миқдорда сульфат кислота кўшиб аралаштирилди.

Иккинчи босқичда айланма эритма сифатида таркибида 15,1% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> бўлган «Аммофос-Максам» АЖ дан ишлаб чиқариладиган ЭФК дан фойдаланилди.

Кекда СО<sub>2</sub> миқдори 14% дан ортиқ бўлиб, сульфат кислотали парчалаш вақтида кучли кўпикланиш кузатилади. Шунинг учун сульфат кислота концентрациясини уларнинг айланма ЭФК билан аралашмаларига таъсири ўрганиб чиқилди.

1-жадвалда системада айланма ЭФК улушининг ортиши билан ҳарорат 20 дан 103 °С гача кўтарилади, бир вақтнинг ўзида системада сульфат кислотаси миқдори 96 дан 56% гача ва уларнинг зичлиги 1,835 дан 1,542 г/см<sup>3</sup> гача камайиши келтирилган.

1-жадвал

Кислота нисбатининг кислоталар аралашмасини олишнинг асосий параметрларига таъсири

№	m H <sub>2</sub> SO <sub>4</sub> / m ЭФК нисбати	Кислота аралашмидаги H <sub>2</sub> SO <sub>4</sub> миқдори, %	Кислота аралашмалари ҳарорати, °С	Кислота аралашмаси зичлиги, г/см <sup>3</sup>	Бўтананинг ҳолати
1.	1:0	96	20	1,835	ярим қуруқ
2.	8,6:1	86	72,5	1,745	нам
3.	3,8:1	76	91	1,689	ҳаракатчан
4.	2,2:1	66	98	1,612	суёқ оқувчан
5.	1,4:1	56	103	1,542	кўпикли

Фосфоритни 96% сульфат кислотада суюлтириш йўли билан олинган турли концентрацияларда сульфат кислота ёрдамида КЮҚКни декарбонизациялаш жараёнини ўрганиш натижаларида сульфат кислота миқдори 96 дан 56% гача камайганда, сульфат кислота зичлиги 1,835 дан 1,542 г/см<sup>3</sup> гача камайганлигини кўрсатди. Сульфат-фосфор кислоталари аралашмасининг ҳолати эса ярим қуруқ ҳолатидан суёқ оқувчан кўпикли масса ҳолатига ўтди. Кўпик баландлиги 50 г фосфорит намунасига 96 ва 56% ли кислота аралашмалари қўлланганда мос равишда 30 ва 18 мм га камайиб, декарбонизация даражаси 78-80% юқори қийматни ташкил қилди.

Юқоридаги экспериментал тадқиқотлар таҳлилларидан келиб чиққан ҳолда 5-вариантдаги тажриба энг мақбуллиги аниқланди (1-жадвал), бу ерда сульфат кислота билан ЭФК нисбати = 1,4:1 бўлганда кислотанинг сарф миқдори энг кам бўлиб, 56% ни ташкил этди.

Шунингдек, «Аммофос-Максам» АЖ дан олиб келинган экстракцион фосфор кислотасидан айланма эритма сифатида ишлатиш орқали олинган тажриба ишлари натижалари келтирилди. Бунда айланма ЭФК кўшилгандан сўнг жараёнда ҳосил бўлган ва ҳар бир босқичда ювилган эритмалардаги

ЭФК микдори, фосфогипс намлиги ва филтрлаш тезликлари параллел аниқланди.

Фосфорит намунасига сульфат кислота ва айланма ЭФК билан ишлов берилгандан сўнг олинган бўтанани суяқ ва қаттиқ фазаларга ажратиш учун вакуумли филтрлаш (0,4 – 0,6 бар) амалга оширилди. Кислота нормаси ўзгарганда ҳосил бўладиган эритмаларнинг филтрланиш тезлиги ҳар хил бўлиб, 68,45 дан 7017,06 кг/см<sup>2</sup>·с гача ошиши, кислота аралашмасидаги H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> микдорининг камайиши туфайли ўзгариши аниқланди. Бу қонуният ювиш босқичларида ҳам сақланиб қолинди. Ювиш босқичида кислота билан КЮКК нисбати = 2,7:1 бўлган, таркибида 12; 6 ва 0% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> бўлган ювувчи сувлар ишлатилди. Ювишнинг ҳар бир босқичида ювиш сувининг массаси ва P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> микдори ортди.

Реакцион бўтанани С:Қ экстракцияси, маҳсулотдаги P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>нинг чиқишига айланма ЭФК таркибидаги P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>ни, фосфогипсда гранула таркиби ва сульфат-фосфат кислотали экстракцион бўтананинг филтрланиш тезлигига таъсири ўрганилди.

Олинган натижалардан маълум бўлишича, P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> концентрацияси 15,0-16,20% бўлган қайта ишланган ЭФК дан фойдаланиш, таркибида P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> 17,18-18,31% бўлган ЭФК олиш имконини берди. P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> концентрацияси 17,06% бўлган айланма кислотани қўллаш билан 19,59% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> тутган ЭФК олинди. Айланма ЭФК таркибида P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> микдори ошиши билан гипсдан фосфат кислотали суспензиянинг филтрлаш кўрсаткичи 15,0 дан 17,06% ни ташкил қилди ва филтрланиш тезлиги 7669,84 дан 1225,73 кг/(м<sup>2</sup>·соат) гача пасайди (2-жадвал).

2-жадвал

Экстракцион фосфор кислота ва фосфогипсдаги аралашмалар таркибини таҳлил қилиш натижалари

№	Реакция давомийлиги, с	Қ:С нисбати	Айланма ЭФКда P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> микдори, %	Бирикмалар таркиби, масс. %								P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> чиқиши
				Экстракцион фосфор кислотаси				Фосфогипс				
				P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	CaO	SO <sub>3</sub>	F	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	CaO	SO <sub>3</sub>	F	
1	1	1:3	15,1	16,35	0,20	4,42	0,91	2,83	34,26	44,12	0,92	81
2	2	1:3	15,1	16,6	0,32	3,11	1,09	1,54	30,07	41,17	0,35	92
3	4	1:3	15,1	17,18	0,33	3,58	1,10	0,74	33,35	48,05	0,36	96
4	1	1:3	16,20	17,75	0,36	6,60	0,91	7,73	33,62	47,04	1,67	61
5	2	1:3	16,20	18,28	0,39	2,69	1,11	6,12	29,21	43,94	1,09	65
6	4	1:3	16,20	18,31	0,37	2,69	1,19	1,91	27,0	46,61	0,44	94
7	2	1:3,5	17,06	19,59	0,33	2,94	1,21	1,99	33,64	44,88	0,33	90
8	4	1:3	17,06	20,1	0,30	2,71	1,20	1,71	33,4	44,67	0,35	98,5


1 дан 4 соатгача экстракция жараёни давомийлигининг ошиши билан бир хил шароит яратилганда айланма ЭФК таркибида 15,1% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> бўлганда P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>нинг чиқиши 86 дан 96% гача ортди ҳамда концентрацияни янада 16,2%

га ошириш билан ЭФК нинг ҳосил бўлиши кейинчалик аста-секин 2% га камайди.

Айланма ЭФКнинг концентрацияси филтрланиш тезлигига кучли таъсир қилади. Айланма ЭФК таркибидаги  $P_2O_5$  нинг 1,1% гача кўпайиши асосий филтрланиш тезлигини 3-6 мартага камайишига олиб келади. Шунинг таъкидлаш керакки, биринчи ювиш вақтида филтрланиш тезлиги асосийсига нисбатан 3-4 марта камаяди ва филтрациянинг иккинчи ва учинчи босқичларида биринчисига нисбатан анча ортади, бу эса ювиш жараёнининг ҳарорати камида 20-40 °C пасайганда таъминланади.

Жараённинг юқоридаги аналитик ва реологик параметрлари аввало кристалларнинг гранулометрик таркиби ва тузилишига боғлиқ. Маҳсулотларнинг филтрлашдан кейинги намлиги 35,37-37,0 бўлиб, қуритилган фосфогипс таркибидаги  $P_2O_5$  миқдори 0,74 дан 7,73% гача бўлади. Бу кўрсаткичлар биринчи навбатда кристалларнинг тузилиши ва гранулометрик таркибига боғлиқ.

Маҳсулотларнинг гран таркибини аниқлашда EP 0642844 маркали электромагнит узатмали AS 200 сериядаги аналитик вибрацион машинадан фойдаланилди. Шу билан бирга барча намуналарда ўртача диаметри 45 дан 1000 мкм бўлган заррачалар борлиги аниқланди. 63 мкм диаметрли заррачаларнинг 1,2 ва 4 соат давомидаги маҳсулотдаги улуши мос равишда 6,7; 19,6 ва 24,4% ни ташкил этди.




**1-расм. Жараённинг технологик параметрлари С:К=3:1 ва экстракция вақти 1,2 ва 4 соат бўлганда кальций сульфат дигидрати кристалларига таъсири**

Экстракция (1-расм) жараёни давомийлигини ошириш, диаметри 1000 мкм бўлган заррачаларнинг ошиши билан бир вақтда таркибида 45 мкм катталикдаги заррачалар нисбатининг камайиши 19,58 дан 3,2% гача бўлади. Экстракция жараёни давомийлиги 2 ва 4 соат бўлганда 25 мкм ўлчамли

зарралар улуши 8,8 дан 5,5 га камайди ва 45 мкм ўлчамли зарралар улуши 3,2 дан 8,55% га ошди.


Кристалларнинг морфологияси ва ўлчамларини аниқлаш учун оптик (NLSД-307В) ва SEM-EVOMA10 маркали электрон сканерли микроскоп (Zeiss, Germany) дан фойдаланилди.



**2-расм. Фосфогипс заррачаларининг морфологик тузилиши ва ўлчами**

2-расмда технологик параметрларнинг ўзгариши ўрганилган интервалларда заррачаларнинг узунлиги  $P_{a4}$ -1.627 ммга етиши ва шакли бўйича кальций сульфат дигидрати узун игнасимон кристалларини ҳосил қилиши кўрсатилган.

Электрон микроскопик (SEM) тадқиқотлар ҳам (3-расм) фосфогипс чўкмалари асосан Ca, S ва P дан иборат бўлиб, мос равишда 20,3, 17,5 ва 1,2% миқдорида эканлигини кўрсатди. Микроскопик таҳлиллар шуни кўрсатадики, чўкиндиларда кичик қалинликдаги алоҳида катта бўлмаган қалинликдаги кристаллар топилган.




**3-расм. Сканерловчи электрон микроскопда фосфогипс тарбидаги элементларининг энергодисперс спектри ва миқдорий таркиби**

Экстракция ва филтрлаш жараёни учун ускуналар танлашда реакция оралик маҳсулотларини реологик хоссаларини ўрганиш муҳим бўлиб, шунинг учун биз суспензиянинг реологик хоссаларини С:Қ ва температурага боғлиқлиги ўрганиб чиқдик (3-жадвал).

Экстракцион суспензиядаги суюқ фазанинг С:Қ, ҳарорат ва  $P_2O_5$  миқдори ва боғлиқлиги

С:Қ	Зичлик, $г/см^3$				Қовушқоқлик, сПз (сек)			
	20 °С	40 °С	60 °С	80 °С	20 °С	40 °С	60 °С	80 °С
17% $P_2O_5$								
2:1	1,592	1,588	1,585	1,589	7,645	7,318	6,977	6,752
3:1	1,519	1,514	1,511	1,516	6,336	6,045	5,400	5,288
4:1	1,465	1,461	1,457	1,462	5,774	5,291	4,961	4,778
5:1	1,428	1,423	1,419	1,424	5,694	5,244	4,921	4,682
19,6% $P_2O_5$								
2:1	1,608	1,602	1,597	1,603	9,821	8,985	7,427	7,285
3:1	1,537	1,531	1,525	1,532	5,522	5,210	4,974	4,814
4:1	1,485	1,478	1,472	1,481	5,412	5,165	4,923	4,783
5:1	1,448	1,441	1,434	1,443	5,331	5,142	4,894	4,699
1:0	1,277	1,268	1,260	1,255				

Олинган маълумотлардан шу нарса келиб чиқадики, 20 °С ҳароратда С:Қ масса нисбатининг 2:1 дан 5:1 гача ошиши билан эритманинг зичлиги 1,398 дан 1,296  $г/см^3$  гача камайган. Ҳароратнинг 80 °С гача ошиши билан суспензия зичлиги 1,335 дан 1,275  $г/см^3$  гача камайиши кузатилди. Суспензиянинг қовушқоқлиги ҳароратга ва суспензиянинг С:Қ нисбатига қараб ҳам турлича бўлиб, у 9,821 дан 4,699 сПзга камайган.



4-расм. КЮҚКдан ЭФК олишда экстракцион бўтананинг зичлиги ва қовушқоқлигини  $P_2O_5$  миқдори, % 1-19,6; 2-17,0 бўлганда С:Қ ва ҳароратга боғлиқлигини аниқлаш номограммаси

4-расмдан кўриниб турибдики, ҳароратга қараб, эритманинг зичлиги С:Қ нисбатидан қатъий назар деярли тўғри чизиқли ўзгарди. С:Қ нисбатнинг ўзгариши билан суспензиянинг зичлиги 2-3:1 оралиғида кадамма-қадам ўзгариб, камайиш тезлиги 45 дан 82 кг/м<sup>3</sup> гача бўлди. Зичликнинг С:Қга нисбатан ўзгариш градиенти  $\Delta\rho/\Delta J:T = 82 \text{ (кг/м}^3\text{)}/ \text{(кг/кг)} = 82 \text{ кг/м}^3$ , 3-5:1 оралиқларда эса уларнинг таъсири ростланди (камайди) ва унинг градиенти 5,5 дан 10 кг/м<sup>3</sup> гача бўлганда фақат 11 дан 20 кг/м<sup>3</sup> гача бўлди.

Бундай кетма-кетликларни тизимнинг қовушқоқлиги ва зичлигини бошқа кўрсатилган шароитларида аниқлаш мумкин. Қийматнинг график таърифи жадвалли қийматдан фақат бир-биридан 3% фарқ қилади.

Лаборатория тажрибалари давомида тоза дикальций фосфат олиш учун биринчи қатлам фосфорит рудаси ва 56% нитрат кислота танлаб олинди. Фосфоритни нитрат кислота билан парчалаш бўтана циркуляциясиз 40 °С да олиб борилди. Реактордаги айланиш тезлиги 120-140 айл/мин, жараён давомийлиги 3 соатни ташкил қилди. Нитрат кислотали экстракт олиш жараёнида зичлиги 1,439 г/см<sup>3</sup> бўлган азот-кальций нитратли бўтана олинади. Бўтана вакуум насосда филтраб олинди ва С:Қ га ажратилди. Суюқ ва қаттиқ фазаларнинг нисбати 6,5:1 бўлиб, олинган суюқ фазанинг зичлиги 1,431 г/см<sup>3</sup> рН эса -0,72 ни ташкил қилди. Олинган бўтанадан тоза дикальций фосфат олиш учун босқичли аммонизациялаш олиб борилди.

Аммонизациялаш жараёнида 25% аммиакли сув ишлатилди ва ҳар бир босқичда ишчи эритманинг рН муҳити аммиакли сув қўшиш билан керакли рН гача назорат қилинди. Биринчи босқичда муҳитнинг рН қиймати 1,5-1,6; иккинчисида 2,0-2,1; учинчисида 2,5-2,8, тўртинчида 4,5 гача бўлиши керак.

Биринчи ва иккинчи босқичлардаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ишқорий, ишқорий ер ва уч валентли металлларнинг аммоний фосфатлари ҳосил бўлиши содир бўлади. Тўртинчи босқичда барча тажрибаларда тоза дикальций фосфат ҳосил бўлади.

Масс-спектрометрик таҳлил (ICP-MS) ёрдамида нитрат кислотали парчаланиш ва босқичма-босқич аммонизация жараёнида лой ва дикальций фосфатда ноёб ер, ишқорий, ишқорий-ер, камёб, оғир металллар ва актиний кичик гуруҳининг элементларини тақсимланиши ўрганилди. Лойқа таркибида камёб, ишқорий ва ишқорий ер элементлари миқдори 7,0-10 ва 2-6 марта кўп, оғир металллар Mn, Zn ва U дикальций фосфатга нисбатан мос равишда 4; 1,4 ва 2,7 марта кам эканлиги аниқланди, бу МҚнинг паст навли фосфоритларини мураккаб қайта ишлашда муҳим аҳамиятга эга.

Олинган барча қаттиқ моддаларнинг таркиби ва тузилишини ўрганиш учун рентген дифракцияси таҳлиллари ўтказилди. Рентген таҳлили Навоий кон-металлургия комбинатининг Марказий илмий-тадқиқот лабораториясида мавжуд бўлган юқори аниқликдаги энергодисперс рентген спектрометри Shimadzu EDX-7000/8000да амалга оширилди.

Дикальций фосфатдан айланма ТФК ва айланма пулпа аралашмаси билан тоза фосфор кислотаси ва тиббий мақсадлар учун соф фосфогипс олиш жараёнини ўрганаётганда, улар ДҚФ дан олинган қайта ишланган эритмалар


ёрдамида сув ва концентрациядан буғланиш орқали 17-25%  $P_2O_5$  концентрациясига, дикальций фосфат (масс. % )  $P_2O_5$  – 32,0; CaO – 32,8; ва ҳ.к. сульфат кислота концентрацияси 96% бўлганда лаборатория шароитида модел қурилмада амалга оширилди.

Дикальций фосфатнинг маълум миқдори 96%ли сульфат кислота билан ишлов берилиб ва 5 мин давомида 75-80 °С да айланма бўтана айланма ЭФК билан эритилди.

Шуни таъкидлаш керакки, айланма ЭФК таркибида  $P_2O_5$  25%дан ошиши билан филтрланиш тезлиги амалий жиҳатдан ўзгаришсиз қолади, бунда 1406,14-1461,83 кг/м<sup>2</sup>·с ораликларда ўзгаради, фарқи фақат 55 кг/м<sup>2</sup>·с,  $P_2O_5$  нинг таркибида 20-25% бўлган айланма эритмада ўзгаради.

Сульфат кислота нормаси ва айланма эритма концентрациясининг экстракция жараёнига таъсири ўрганилди. Сульфат кислота нормаси CaO га стехиометрик нисбатда 100-115% ни ташкил қилди. Қ:С нисбати ва экстракция давомийлиги мос равишда 1:3,5 ва 4 соатни ташкил этди. Уч босқичли ювиш амалга оширилди.

Фосфогипснинг рентген тасвирлари Shimadzu EDX-7000/8000 модели юқори аниқликдаги рентген флуоресцентли энергодисперс аппарати ёрдамида олинган (5-расм).




**5-расм. Фосфогипснинг рентгенография тасвири**

Кислота нормаси ўзгарганда ҳосил бўладиган эритмаларнинг филтрация тезлиги ҳар хил бўлиши аниқланди.

Диссертациянинг «**Фосфор кислотасини концентрлаш жараёнини ўрганиш ва тавсия этилган технологияни техник-иқтисодий асослаш**» деб номланган тўртинчи бобида саноат миқёсига мўлжаллаган модели қурилмада фосфор кислотасини олиш технологияси келтирилган ҳамда фосфор кислотасини концентрлаш жараёни ўрганилган. Таклиф этилаётган технология бўйича ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида КЮҚК ва ДКФ дан (ЭФК ва ТФК) ишлаб чиқаришнинг мослашувчан технологик схемаси таклиф этилди.





**6-расм. МКФ КЮКК ва ДКФдан дигидратли усулда экстракцион фосфор кислотаси олишнинг технологик схемаси**

1 – сульфат кислота сақлагич; 2,5 – марказдан қочма насос; 3,6 – йўналтирувчи дозаторлар; 4 – айланма фосфор кислота сақлагич; 7 – реактор аралаштиргич; 8 – фосфат хомашёсини сакловчи; 9 – лентали дозаторлар; 10 – форреактор; 11 – икки идишли экстрактор; 12 – буғлатгич; 13 – майда дисперс зарраларни тутгич; 14 – вакуум-насос; 15 – каруселли вакуум-фильтр; 16,18 – асосий филтрат ва айланма фосфор кислотаси учун барометрик йиғгичлар; 17,19 – марказдан қочма насослар.

Сақлагичдан (1) ҳисоблаб олинган 96%-ли сульфат кислота марказдан қочма насос (2) ва дозатор (3) ҳамда аниқ миқдордаги айланма эритма сақлагичдан (4) марказдан қочма насос (5) ва дозатор (6) ёрдамида суюлтиргичга (7) узатилади. Аралашмадаги сульфат кислота миқдори 56% меъёрида сақланади. КЮКК фосфорит хомашёси бункердан (8) лентали дозатор ёрдамида аралаштиргичдаги (7) кислота аралашмаси билан форреакторга (10) келиб тушади. Форреакторда декарбонизация жараёни амалга оширилади.

Қулай декарбонизация режимини таъминлаш учун маълум миқдорда айланма бўтана ҳам қўшилади. Ҳосил бўлган бўтана ўз-ўзидан биринчи экстрактор идишига тушади ва қолган айланма ЭФК миқдори С:Қ нисбати 3:1 сақлаб олиш учун ҳисобланади.

Экстракцион бўтананинг 80 °С дан юқори бўлмаган ҳароратда ушлаш учун ботирма насос пн.1 ёрдамида буғлатгич (12) амалга оширилади. Вакуумбуғлатгич (12) майда дисперс зарраларни тутгич (13) орқали боғланган вакуум насос (14) да яратилади.

Тайёр экстракцион бўтана ботирилган насос пн.2 орқали фосфогипсни учқарра ювадиган каруселли филтрга узатилади. 19 %  $P_2O_5$  дан кам бўлмаган ЭФК барометрик тайёр маҳсулот йиғичга (16) узатилади ва шу ердан аммофос ва бошқа мақсадлар учун жўнатилади.

(18) дан ювувчи сув марказдан қочма насос (19) орқали қайта айланма фосфат кислота йиғичга (4) ҳайдалади.

Каруселли филтлда (15) фосфогипс уч маротаба ювилади ва чиқиндига ташланади.

Дикальций фосфатдан тоза фосфор кислотаси олиш учун 6-расм технологик схемадаши жиҳозлардан фойдаланиш мумкин. Бироқ, дикальций фосфатдан ТФК олишда (4,5) ва (6) дан айланма ТФК қўлланилмайди, улар форреакторга (10) берилади, бу ерда ДКФ бир вақтнинг ўзида (8) ва (9) дан берилади. Ҳосил бўладиган бўтана биринчи экстрактор идишига тушади ва шу ернинг ўзида сульфат кислота дозатор (3) орқали тушади. Қолган барча жараёнлар юқорида қўлланилган жараён бўйича боради.

Буғлатиш жараёни лаборатория шароитида иссиқликка чидамли идишда ва иситиш тизими ёрдамида оғирлик усули билан амалга оширилди.

Буғлатиш жараёни якунига етгач, намуналардаги ҳисобланган сув миқдори  $P_2O_5$ ,  $SO_3$  ҳамда икки ва уч валентли металлларнинг Ca, Mg, Al ва Fe оксидлари учун таҳлил қилинди.

Буғлатилган ЭФК ва ТФКлар концентрациясининг технологик чегараларини аниқлаш учун  $P_2O_5$  таркибига ва уларнинг ҳароратига қараб уларнинг реологик хоссалари ўрганилди.

Маҳсулотларда ТФК концентрациясини тезкор аниқлаш ва ушбу жараёнларни масофадан бошқариш учун концентрланган кислоталарнинг концентрацияси ва ҳароратига қараб нурсиндириш ва электр ўтказувчанлигини билиш муҳимдир. Шунинг учун биз бу физик-кимёвий хоссаларни олинган намуналардан ўрганиб чиқдик.

Шуни таъкидлаш лозимки, ЭФК дан олинган таркибида  $P_2O_5$  45% бўлган буғлатилган фосфор кислотанинг бир хил шароитда электр ўтказувчанлиги ТФК дан олинган концентрланган фосфор кислотага нисбатан 2,9 марта катта эканлиги аниқланди.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, ишлаб чиқариш ва хомашё харажатларини ҳисобга олган ҳолда, 1 т 100%  $P_2O_5$  ташкил этади:

– КЮҚК дан ЭФК 4 302 821,7 сўм;

– паст навли фосфоритлардан дикальций фосфат, тақдим этилган маҳсулотлар таннархини ҳисобга олган ҳолда 2,704,402. 1 сўм;

– ДКФдан тоза фосфор кислота - 13 371 024,6 сўм.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, ТФК, КЮҚК ва ДКФ дан олинган 1 тонна 100%  $P_2O_5$  концентрацияси билан 45%  $P_2O_5$  ЭФК ва ТФК қиймати мос равишда 12675191,06; 6166458,2 ва 18780912,92 сўмни ташкил этади

ДКФ дан олинган 1т 45% фосфор кислотасининг нархи ТФК ва КЮҚКдан олинган 45%ли фосфор кислотасидан 1,50 ва 3,01 марта қиммат,

КЮҚКдан олинган 1т 45%ли фосфор кислотаси нархидан 2,06 марта арзонроқдир.

## ХУЛОСА

«Куйдирилмаган Марказий Қизилқум фосфоритларидан экстракцион фосфор кислотаси олишнинг интенсив технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Турли нисбатларда сульфатли ва айланма ЭФК аралашмаси ёрдамида КЮҚК нинг декарбонизация жараёнини ўрганиш натижалари асосида ярим қуруқликдан суяқ кўпик массасига ўтган сульфат-фосфор кислота массасининг ҳолати аниқланди. 50 г фосфорит хом ашёсига 86 ва 56%ли сульфат кислотани қўллаш билан кўпик баландлиги 30 ва 18 мм ни ташкил этди, ҳамда декарбонизация даражаси 70-80% ни ташкил этди.

2. Олдиндан декарбонизацияланган КЮҚК дан ЭФК олишда 1-4 соат давомида айланма фосфор кислотаси таркибида 15,1-17,06%  $P_2O_5$  бўлган айланма ювиш суви билан ишлов берилди. Концентрацияси 17,06% ва Қ:С нисбатдаги 1:3,5 бўлган айланма эритма билан 4 соат экстракция қилинганда таркибида  $P_2O_5$  19,6% дан ортиқ ва унинг чиқиши 98%дан кам бўлмаган ЭФК олиниши аниқланди.

3. Кальций сульфат дигидрати кристалларининг гранулометриқ таркибига технологик параметрларнинг таъсирини ўрганиш шуни кўрсатдики, экстракция жараёни давомийлигини 4 соатга ошириш ўртача диаметри 1000 мкм бўлган заррачаларни 14,5% га оширишни таъминлайди.

4. Паст навли МК фосфоритларидан нитрат кислотали парчалаш йўли билан азот-фосфор (NP) қаттиқ ва суяқ NCa ҳамда тоза дикальций фосфат олишда уч хил вариантдаги тўрт босқичли аммонизациялаш ўрганилди. Оптимал шароитда дикальций фосфатда  $P_2O_5$  нинг ҳосил бўлиши 76% гача эканлиги аниқланди.

5. Лаборатория шароитида модел қурилмада дикальций фосфатни сульфат, айланма ТФК ва бўтана ёрдамида парчалаш йўли билан тоза фосфор кислотаси олиш жараёни ўрганилди.

Айланма эритмада  $P_2O_5$  миқдори ортиши билан сульфат кислота нормаси, тайёр маҳсулот таркибида  $P_2O_5$  миқдори ва бўтананинг филтрланиш тезлиги ортиши аниқланди.

6. КЮҚК, ДҚФ, МК ТФК, оддий Каратау фосфорити ва Хибин апатит концентратидан ФК олиш учун ишлаб чиқилган технологияларнинг техно-аналитик кўрсаткичлари таққосланади. Юқорида айтиб ўтилган фосфорли материаллардан ФК олиш режимларини таққослаш шуни кўрсатадики, энг паст кальций модули дикальций фосфат ва апатит концентратида мос равишда 0,82 ва 1,32 га тенг бўлди.

7. Буғлатиш жараёнини масофадан бошқариш усулини ишлаб чиқиш учун хона ҳароратида  $P_2O_5$  таркибига қараб буғлатилган кислоталарнинг зичлиги, қовушқоқлиги, электр ўтказувчанлиги ва нур синиши ўзгариши тадқиқ қилинди. Олинган маълумотлардан шу нарса келиб чиқадики, масофадан бошқариш учун 20-60% концентрация оралиғида  $P_2O_5$  системанинг зичлиги ва электр ўтказувчанлиги,  $P_2O_5$  60% дан юқори концентрациясида эса қовушқоқлик ва нур синдириш қобилиятига нисбатан сезиларлидир.

8. Паст навли МҚ фосфоритлари, КЮҚК ҳамда ДКФ дан ЭФК, ТФК ишлаб чиқариш ва концентрлаш жараёнларининг моддий баланси ҳисобланди. Бунинг асосида техник-иқтисодий сметалар тузилди, натижада ЭФК ва ТФКнинг 1т 45% эритмасини нархи мос равишда 2774206,14 ва 8451410,81 сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.20.03  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ  
КАРАКАЛПАКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**  

---

**НАВОЙСКОЕ ОТДЕЛЕНИЕ  
АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ХУРРАМОВ НАВРУЗБЕК ИБРАИМОВИЧ**

**РАЗРАБОТКА ИНТЕНСИВНОЙ ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ  
ЭКСТРАКЦИОННОЙ ФОСФОРНОЙ КИСЛОТЫ ИЗ  
НЕОБОЖЖЕННЫХ ФОСФОРИТОВ ЦЕНТРАЛЬНЫХ  
КЫЗЫЛКУМОВ**

**02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером B2020.4.PhD/T1920 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан**

Диссертация выполнена в Навоийском отделении Академии наук Республики Узбекистан.  
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен в веб-странице научного совета [www.karsu.uz](http://www.karsu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Нурмуродов Тулкин Исамуродович**  
доктор технических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** **Усанбаев Нажимуддин Халмурзаевич**  
доктор технических наук, старший научный сотрудник

**Маденов Бердимурат Даулетмуратович**  
доктор философии по техническим наукам (PhD)

**Ведущая организация:** **Наманганский инженерно-технологический институт**

Защита диссертации состоится « 02 » февраля 2022 году в « 15<sup>00</sup> » часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.20.03 при Каракалпакском государственном университете по адресу: 230112, г. Нукус, ул. Ч.Абдирова, 1. Тел.: (99861) 223-60-47; факс: (99861) 223-60-78; e-mail: [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского государственного университета (зарегистрирован за № 63). Адрес: 230112, г. Нукус, ул. Ч.Абдирова, 1. Тел.: (99861) 223-60-47.

Автореферат диссертации разослан « 15 » января 2022 года  
(реестр протокола рассылки №1 от « 15 » января 2022 года)



**Реймов А.М.**  
Председатель научного совета по  
присуждению ученой степени, д.т.н.,  
профессор

**Курбаниязов Р.К.**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученой степени, к.т.н.,  
доцент

**Туремуратов Ш.Н.**  
Председатель научного семинара при  
Научном совете по присуждению  
ученой степени, д.х.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире в настоящее время обострилась проблема продовольственного обеспечения, обусловленная высокими темпами роста населения, сокращением природных ресурсов, таких как пахотно пригодных земель и запасов пресной воды. В связи с этим в решении продовольственной программы огромную роль играет увеличение объемов производства фосфорсодержащих удобрений. Для этого до недавнего времени Казахстанские фосфориты Каратау покупались Узбекистаном за валюту. Это, в свою очередь, приведет к росту цен на фосфорные удобрения и их неконкурентоспособности на мировом рынке.

В мире ведутся научные исследования по разработке комплексных технологий переработки низкосортных фосфоритов химическими методами при производстве минеральных фосфорных удобрений. В связи с этим особо актуальным являются исследования процесса повышения перехода  $P_2O_5$  в фосфатный концентрат из забалансовых руд и шламовых отходов, с применением различных методов обогащения, разложения низкосортных фосфоритов под действием минеральных кислот с получением NPK-удобрений, чистых фосфорсодержащих солей, оптимальных условий получения экстракционной фосфорной кислоты (ЭФК) из необоженного мытого сушеного концентрата (НМСК), а также моно- и диаммоний фосфатов на его основе.

В республике выполнен ряд научно-практических работ по разработке технологий получения фосфорных удобрений из фосфоритов Центрального Кызылкума (ЦК) с применением кислотной и термической обработки. В третьем направлении стратегии развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы отмечены важные задачи, направленные на «...развитие технологий производства новой продукции на основе глубокой переработки местного сырья, подъем производства по качеству на новый уровень, модернизацию и ускоренное развитие сельского хозяйства...»<sup>1</sup>. В связи с этим, важным является развитие технологий получения азотно-фосфорных минеральных удобрений, повышающих плодородие почв и урожайность растений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-4124 от 17 января 2019 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности предприятий горно-металлургических предприятий» и ПП-3983 от 25 октября 2018 года

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах».

«О мерах по ускорению развития химической промышленности Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** В мире ведутся обширные исследования по изучению процесса получения фосфорных кислот из различных фосфоритовых руд.

В мировой практике значительный вклад в развитие основ по получению ЭФК внесли ученые Копылев Б.А., Борисов И.М., Хлебодарова Э.В., Классен П.В., Шуб Б.И. Туманов Д.Н., Feng Y., Feng J., Liux., Wang Y., Lu T., Nassar M., Намазов Ш.С., Эркаев А.У., Султанов Б.Э., Мирзакулов Х.Ч., Ушарова Л.Б., Шуб Б.И., Дынкина А.В. Джураев Ф.Х., Киличов О.К., Шаймардонов Ш.С., Эгамбердиев А.К., Нурмуродов Т.И. и др.

Потребность отраслей народного хозяйства Узбекистана в неорганических солях нитрата кальция, фосфатов кальция и аммония высока и удовлетворяется за счет импорта этих продуктов за валюту.

